

## Мусулмонларнинг ҳолати



07:30 / 12.08.2019 3975

Бир халифа вафот этгач, румликларда ихтилоф чиқиб, ўзаро мулк талашилар бошланди. Шунда мусулмон бўлмаганлар: «Ҳозир мусулмонлар ўзи билан ўзи овора. Уларга билдирмай, тўсатдан ҳужум қилсак бўлади» деб, ўзаро маслаҳат қилишди. Баҳс-мунозаралардан сўнг бу энг қулай фурсат эканига иттифоқ қилишди. Улар орасида ақлли, маърифатли бир киши бор эди. Унинг бу ишлардан хабари йўқ эди. Одамлар эҳтиёт юзасидан ўша кишига ҳам маслаҳат солиб кўришган эди, «Бу ишни тўғри деб ўйламайман», деди. Сабабини сўрашган эди, «Сабабини эртага айтаман», деди.

Эртаси куни одамлар унинг олдига келиб, «Биз қарор қилган ишга фикрингизни айтишга ваъда берган эдингиз», дейишди. У: «Бажонидил» деб, ўзи ҳозирлаб қўйган иккита катта итни олиб келишни буюрди.

Итларни олиб келишгач, икковини бир-бирига гиж-гижлаб, уларни уриштирди. Итлар бир-бирига ташланиб, талашиб, бир-бирини қонга бўяшди. Улар уришиб бўлгач, ҳовлидаги бир эшикни очиб, итларнинг олдига битта бўрини юборди. Бўрини ҳам ўзи тайёрлаб қўйган эди. Итлар бўрини кўргач, ораларидаги хусуматни тарк қилиб, биргаликда бўрига ташланиб, уни ўлдиришди. Шунда ҳалиги ақлли киши одамларга қараб, «Сизлар билан мусулмонлар мана шу бўри билан икки итга ўхшайсиз. Мусулмонлар орасидаги фитна ва жанжаллар бошқа душман зоҳир бўлгунига қадардир. Бошқа душман зоҳир бўлиши биланоқ, ораларидаги адоватни бас қилиб, душманга қарши бирлашиб оладилар», деди.

Одамлар унинг гапларини тасдиқлашди, бу фикр ҳаммаларига маъқул бўлиб, унинг маслаҳатига амал қилишди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**